Сувнинг тортиш кувватини биринчи бўлиб пайгамбар Нух алайхиссалом аниклаган, аммо тарихда Архимед деб кайд этилган. Дарвоке биринчи кема ясаган хам Нух алайхиссаломдир. Юнонистонда биринчи ёзув карийб 4000 йил олдин ёзилган, улар металл бўлагидан, фил суягидан перо сифатида фойдаланишган.
Илк паткалам Мисрда ихтиро килинган, мисрликлар ичи ковак камишга мис лахтагини бирлаштириб ёзишган.
Энг биринчи таквимни кадимги мисрликлар ўйлаб топишган. Миср кохинлари Нил дарёсининг биринчи тошишидан навбатдагисига кадар ўтган давр 365 кун эканини хисоблаб, махсус жадвал тузишган.
Ер юзида энг биринчи курилган уй Каъбадир.
Илк кулолчилик буюмлари бундан тахминан ўн минг йил олдин Хитойда ясалган эди.
Кокос ёнгогини Хиндистон ва Хинди-Хитой ўлкаларида 8000 йилдан буён истеъмол килиб келишади.
Икки кадимшунос – лондонлик Брайан Уайт ва пекинлик Пен Синжоу шимоли-шаркий Хитойда топилган товук скелетининг 8000 ёшда эканини аниклашди. Хозиргача уй товуги Хиндистондан келтирилиб, Оврупада уйда бокишга ўргатилган, дея хисоблаб келинар эди.
Бирлашган Араб Амирликларидаги кадимий мозордан топилган бош чаногини ўрганган олимлар 7000 йил олдин мия жаррохлиги ўтказилганини аниклашди.
Дастлабки гилдиракларни бундан 6400 йил мукаддам измирликлар ихтиро килишган.
Бехининг асл ватани Эрон, Кофкоз, Туркия ерларидир, богбонлар 4000 йилдан буён бехи етиштириб келишади, Ўзбекистонда унинг 20 хили етиштирилади.
Пиёзнинг ватани эса олимлар ёзганидай Нил хавзаси эмас, Тиёншон тоги ёнбагирлари бўлган, у 5000-6000 йиллардан буён экиб келинади.
Дастлаб чой ичишни бундан 3500 йил олдин хитойлар кашф этишган, улар тилидаги "ча-ийе" (яшил барг) сўзидан чой номи келиб чиккан. Чой Оврупага ўн олтинчи асрда таркалган.
Канд-шакар дастлаб Хиндистонда кашф этилган, аммо качонлиги номаълум. Шакар хинд тилида "саккара", русчада "сахар", арабча ва немисчада "суккар" дейилади.
Тарвузнинг асл ватани Африко, ковунники баъзи олимлар келтирганидай Хиндистон ёки Эрон эмас, балки Ўрта Осиёдир. Ковунни Хиндистонга ўн олтинчи асрда саркарда ва шоир Захириддин Мухаммад Бобур олдириб борган.
Карам хам жуда кадимги сабзавотлардан, унинг илк ватани Оврупанинг кадимги иберияликлар яшаган гарбий кисми, хозирги Испания ерларидир.
Макарон Бухорода кашф этилган деса, ишонаверинг. Ўн учинчи асрда венетсиялик сайёх Марко Полога Бухорода лагмон ёкиб колади ва у хамир ичига сим ўтказиб куритиб, уни юртига олиб кетади. Лагмонни эса хитойлар кашф этишган, унинг номи кадимий хитой тилида "хамирдан ясалган илон таом" маъносини билдиради.
Биринчи харита милоддан олдинги 2300 йили Месопотамияда ишланган.
Олимпиада ўйинлари биринчи бор милоддан олдинги 776 йили Юнонистон (хозирги Гретсия)да ўтказилган.
Хитойлик тарихчилар ёзишича, Парфия (Ўрта Осиё)да милоддан олдинги 200 йилларда "довонликлар (фаргоналиклар) ўтрок яшашган ва бугдой, шоли экишган".
Элшунослар (этнографлар) фикрига кўра, палов Ўрта Осиёда ижод килинган, Покистон

ва Шимолий Хиндистонда яшовчи бадавлат мусулмонлар орасида таркалган, уни Хиндистонга мусулмон фотихлари таркатишган.
Энг биринчи музей милоддан аввалги учинчи асрда Мисрдаги Искандария шахрида очилган. Оврупадаги энг биринчи музей Оксфорд шахрида бўлиб, у 1679 йили ташкил этилган.
Биринчи театрлар Хитойда пайдо бўлган, ибодатхоналарда раксларга ўхшаш томошалар кўрсатилган. Японлар ва кадимги юнонларда хам театр равнак топган.
Энг биринчи комус милоддан олдинги биринчи асрда Римда Плиний битган "Табиий тарих" китоби эди. Унинг 37 жилдига 20.000 дан ортик макола кирган. Бу китобни шу кадар киммматли санашганки, 1536 йилгача уни 43 марта кайта нашр килишган.
Биринчи лугат 1225 йили битилган бўлиб, унга ёд олинадиган лотинча диний калималар жамланган эди.
Милоднинг биринчи асридаёк Хитойда чинни идишлар ишлаб чикарила бошланган эди, 1520 йили уни португалиялик денгизчилар Оврупага олиб келишган.
Кураш энг олдин Мисрда пайдо бўлган, сўнг Осиёга, кейинрок Юнонистонга ўтган.
Пишлокни дастлаб бундан 2000 йил олдин Эрон чорвадорлари тайёрлашган, хозир пишлокнинг 8000 хили маълум.
Кофе ичишни дастлаб Жанубий Африконинг Каффа кишлоги ахолиси кашф килган, бу фойдали ичимлик номини шу кишлокдан олган. Оврупага кофе биринчи марта Макка шахридан жўнатилган, уни ичиш Истанбулда 1454 йили, Рим, Париж, Лондонда 1642-1672 йиллари урфга кирган.
Дунёдаги биринчи математик аёл Ипатия милоднинг бешинчи асрида яшаган.
Синуслар теоремаси хинд математиги Брамогупта (598–660) ижодига мансуб.
Косинуслар теоремасини биринчи бўлиб ўзбек олими Абу Райхон Беруний (973–1048) кашф килган, Оврупада эса француз олими Веит (1540–1603) "яна" ўйлаб топди.
Биринчи танга пуллар эса 700 йили Лидия (хозирги Туркия) шохи Гич томонидан чикарилган. Биринчи когоз пуллар эса 1152 йили Син империясида муомалага киритилган.
Энг кўхна соат милодий 725 йили Хитойда ясалган.
Ибн Фирнос (вафоти 808 йил) биринчи бўлиб ака-ука Райтлардан 1023 йил олдин учок (самолёт) ясаб, парвозни амалга оширган.
Исломга энг биринчи иймон келтирган зот Пайгамбаримиз Мухаммад алайхиссалом завжаи мутоххаралари Хадича бинти Хувайлид (р.а.)
Ахолини рўйхатга олиш Исломда биринчи бўлиб Мадинада ўтказилган. Мушрикларнинг мусулмонларни киличдан ўтказиш режасидан хабар топган Мухаммад алайхиссалом барча мусулмонларга ўз номларини бир дафтарга ёздиришни буюрдилар. Ўшанда Мадинадаги эр мусулмонлар сони 1500 нафар экани маълум бўлди.
Дунё ва Ислом меъморчилигидаги илк минорани хижрий 85 (милодий 708) йили Шомдаги умавийлар масжиди ёнида халифа Волид фармонига биноан тикланган.
Палеонтолгия ва седиментология сохасида илк марта тажриба ўтказиб, китоб хам ёзган Абу Али ибн Сино бўлса-да, бу борадаги илмий хизматлари учун Албертга "Буюк Алберт" унвони берилди.
Мусо Мухаммад Хоразмий биринчи бўлиб алгебра фанига асос солган, «алгебра» истилохи унинг «Ал-жабр ал-мукобала» рисоласидан олинган, олимнинг номи эса «алгоритм» шаклида фанга кирган, унинг арифметикага оид рисоласи XII асрдаёк Испанияда таржима килиниб, шу асосда дарслик ёзилган.

Ахмад Фаргоний астрономия отаси саналади, унинг «Самовий харакатлар ва умумий илми нужум» китоби Х11 асрда Оврупа тилларига таржима килиниб, «Алфраганус» деган лотинча ном билан бир неча аср мобайнида Гарб университетларида астрономиядан асосий дарслик сифатида ўкитилган.
Жазарий (1136–1206) биринчи бўлиб силиндр, жўмракни ясаган, компуторга оид назарий фикрлар айтиб, кибернетикага асос солган, шунингдек, у вулконшунослик, геотермал майдонлар сохасидаги фанлар асосчисидир.
Жахондаги биринчи расадхона ва фалакшунослик марказини Хожа Носириддин Тусий (1201–1274) курдирган.
Дунёда биринчи хисоблаш маркази Самарканд шахрида Мирзо Улугбек рахбарлигида курилган.
Физика ва фалакшуносликда жуда мухим хисобланган маятникни биринчи бўлиб Ибн Юнус кашф килган.
Ўн бешинчи асрда Мирзо Улугбекнинг машхур расадхонасида ишлаган ўзбек математиги Гиёсиддин Жамшид ал-Коший биринчи бўлиб ўнли касрларни кашф этган. Оврупада эса ундан 175 йил кейин Симон Стевин бундай сонларни топди.
Яна бир атокли комусий олимимиз Абу Райхон Беруний Христофор Колумбдан анча олдин уммон ортида номаълум китъа борлигини айтган, Галилейдан 600 йил аввал Ернинг айланишини исботлаб ва изохлаб берган, биринчи глобус ясаган, Ер билан Ой ўртасидаги масофани ўлчаган.
Улуг мусулмон олими Абу Юсуф Ёкуб ибн Исхок ал-Киндий (801–873) Эйнштейндан бир неча аср илгари борлик ва ундаги ходисалар нисбийлиги гоясини кашф этган. У оптика сохасида жахонда биринчи бўлиб асар ёзган, унинг ўн битта асари замонавий арифметикага, еттита асари геометрияга асос бўлган. У психо-физиологиянинг хам асосчисидир.
Абул Вафо Мухаммад ибн Яхё Бўзжоний (940–998) тригонометрия фанига тангенс, котангес, секанс каби истилохларни олиб кирган, унинг кашфиётларини Оврупа юз йиллардан кейин ўргана бошлаган, Оврупада Батламиуснинг Ой назарияси устида илк иш олиб борган Тужхо Брахадан (1546–1601) нак олти юз йил олдин бу назарияни танкидий ўрганиб, унинг нуксонларини кўрсатиб берган.
960–1039 йиллари яшаган Кутбиддин ибн Хайсамнинг оптикага багишланган «Китаб ул-манозир» (Тасвирлар китоби) 1270 йилдаёк лотинчага ўгирилиб, бир неча Оврупа мамлакатларида чоп этилган хамда  Коперник ва Нютоннинг оптикага оид асарларига асос бўлган. Олимнинг лотинча Albazen номи физикадаги илмий истилохга айланган. Ламберт трапетсиясини ундан анча олдин Ибн Хайсам топган.
Жобир ибн Хаййон оврупалик олимлар Жон Далтон, Отто Ханн, Эндрю Ферми, Алберт Эйнштейндан минг йил олдин атом устида тадкикот ўтказган, илк марта «термоядровий куч» фикрини айтган, атом парчаланиши ва бомба шиддатини тасвирлаган.
Собит ибн Курра (835–902) биринчи марта анестезинни топган. Али ибн Исо эса ўн биринчи асрда уни илк бор кўз жаррохлигида кўллаган. Бирок бу кашфиёт 1850 йилга келиб Жанкайники бўлиб кетди. «Дифференсиал хисоб»ни хам Нютондан анча олдин, тўккизинчи асрда Собит ибн Курра кашф килган.
Само жисмларининг эллипс орбита бўйлаб харакат килиши хакидаги фикрни Кеплер Берунийдан ўзлаштириб олган бўлса, Коперник Куёш назариясини Ибн Шотирдан (1304–1376) айнан кўчириб олган.
Умар Хайём «Арифметиканинг мушкул масалалари» асарида Нютондан беш юз йил

олдин ўн сонли ракамли масалаларни каср воситасида хал этиш назариясини тавсия этган.
Ойнинг илк харитасини Мирзо Улугбекнинг шогирди Алоуддин Кушчи чизган, хозир бу харита Америкадаги Ой тадкикоти институтида чикарилган хариталарнинг энг тепасига осиб кўйилган.
Биринчи компасни ўн учинчи асрда Кабажакий ясаган, биринчи когоз фабрикасини аббосий вазирлардан Ибн Фозил (739–805) курдирган.
Зилзилага оид биринчи асар Дамашкийнинг (вафоти 1176) «Китаб ул-залзала» асаридир. Кейинчалик ўн бешинчи асрда ёзилган Жалолиддин Суютийнинг машхур «Кашф уз-залзал ал-васфил залзала» китобидан бошка сейсмологияга доир асар бўлмаган.
Али ибн Аббос (вафоти 994) капиляр кон томирларини кашф килган, минг йил олдин саратон (рак) амалиётини амалга оширган.
Аммор ибн Али ўн биринчи асрда биринчи марта кўз пардаси жаррохлигини ўтказган.
Абул Косим Захравий Гарбда замонавий жаррохлик отаси, деб тан олинган, у жаррохликда икки юз хил асбоб ишлатган, олим тугишда кўллаган усул Гарбда беш юз йил кейин жорий бўлди.
Усмонли салтанат хукмдори Султон Мухаммад Фотихнинг устози Окшамсуддин (1389–1459) Пастордан тўрт юз йил аввал микробни кашф килган.
Умуртка сили ва артрит (бўгимлар шамоллаши) касаллигини биринчи бўлиб аллома Абул Косим аниклаган, Потт эса ундан 700 кейин буларни "кашф этди".
Дунёдаги биринчи хисоблаш машинаси 1623 йили олмон профессори Вилгелм Шиккард томонидан кашф килинган, аммо бу машина хакидаги маълумот факат 1958 йилдагина маълум бўлди.
"Верем" микробини топгани учун Р. Кочга Нобел мукофоти берилган, вахоланки бу микробни ундан 150 йил олдин Камбур Восим (вафоти 1761 йил) топганди.
Кунгабокарнинг ватани Мексика, уни ўн олтинчи асрда Оврупага олиб келиб экишган, Ўрта Осиёга эса уни ўн тўккизинчи асрда рус дехконлари таркатишди.
Бўлиш ва кўпайтиришни бажарувчи биринчи автоматик курилмани ўрис математиги Чебишев ихтиро килган.
Русияда генераллиссимус унвони расмий равишда биринчи марта 1716 йили подшох Петр Биринчи томонидан харбий низомга киритилган ва низомга киритилмасидан анча олдин (1696 йили) биринчи бўлиб бу унвонни иккинчи Азов юришида мохирона кўмондонлик килган бояр Александр Шеин олди.
Инсоният лавлагидан икки минг йилдан буён фойдаланиб келган бўлса-да, ундан канд олишни факат 1747 йилга келиб петербурглик доришунос Константин Кирхов кашф этди.
Катикни осетинлар кашф этишган, унинг тайёрлаш усулини илмий жихатдан 1909 йили рус мутахассиси Ирина Сахарова ишлаб чикди.
Сосискаларни биринчи марта ўн тўккизинчи асрда иш кидириб Америкага бориб колган олмониялик кассоб Паул Шултс ўйлаб топган, унинг "сутли сосискаси" сут эмиб турган чўчка боласидан тайёрланган.
Пўлат перолар биринчи марта 1780 йили Англияда пайдо бўлди, аммо улар кирк йилгача оммалашмади.
Ресторавнинг келиб чикиши ўн саккизинчи асрда яшаган франсиялик пазанда Буланже фаолияти билан боглик.

Масалликни консерва килиб саклаш тарихи 1800 йилдан бошланади ва у парижлик пазанда Франсуа Аппер номи билан боглик.
Арча бужуридан мой олиш усулини биринчи бўлиб топган Михайло Грязев 1843 йили окподшох хазинасидан юз рубл накдина билан сийланган.
1866 йили мухандис М. Колесников илк бор Тошкент шахрини режалаш лойихасини ишлаб чикди.
1868 йили Тошкентдаги округ харбий штабида Ўрта Осиёдаги биринчи босмахона ташкил этилди.
Фотографияни биринчи бўлиб 1802 йили ихтирочилар Уэжвуд ва Хамфри кашф этди.
1835 йили Уилям Талботт мунтазам тасвирни хосил килишга эришди, негативдан позитив тасвир тайёрлади, фотобосмани ишлаб чикди.
Фотография тарихидаги энг биринчи сурат Жозеф Нэнс томонидан 1825 йили олинган от етаклаган бола тасвиридир. Бу сурат якинда "Сотби" кимошди савдосида ярим миллион фунт стерлингга сотилди.
Мултипликатсиянинг илк кўринишини белгиялик физик Ж. Плато 1832 йилиёк яратганди. Факат 1905 йили – кино ихтиро килинганидан ўн йил кейин америколик С. Блэктон ва У. Маккей илк дафъа расмларни кинотасмага тушириб, мултфилм намунасини яратишди.
Биринчи овоз ёзишни 1877 йили машхур кашфиётчи Томас Эдисон амалга оширган.
Биринчи авторучка 1880 йили Америкода кашф этилган, шарикли авторучка эса – XX аср ихтироси.
1883 йили Тошкентда ўзбек тилидаги илк босма газета – «Туркистон вилоятининг газети» нашр этила бошлади.
Замонамиздаги биринчи Олимпия ўйинлари 1896 йили Афина (Юнонистонда) ўтказилган ва америкалик узунликка сакровчи Жеймс Конноли биринчи олтин нишонни кўлга киритган.
Биринчи троллейбус 1888 йили Лондон (Англия) кўчаларида пайдо бўлган, унинг тезлиги соатига 10 километрдан ошмаган.
1900 йили Гарбий Оврупага биринчи сафар килган тошкентлик савдогар Тожимухаммад Исомухаммад ўгли халкаро Париж кўргазмасида катнашди, кейин эса Лондонда бўлди.
Ўзбеклардан чиккан биринчи генерал-майор Китоб (Кашкадарё) шахри хокими Жўрабек бўлган, бу олий унвон унга 1901 йили рус подшоси томонидан берилган.
1902 йили Наманганда Ўрта Осиёда биринчи автомобил пайдо бўлди, у "Андреев савдо-саноат уйи"га тегишли эди.
1902 йили Тошкентдаги мадраса мудири Саидрасул Саидазиз ўгли томонидан биринчи ўзбек алифбоси - "Устоди аввал" ёзилди ва кейинчалик 16 марта кайта нашр килинди.
Биринчи сюжетли филм 1903 йили Томас Эдисон лабораториясида яратилган ва у "Буюк поезд ўмарилиши" деб аталади.
1903 йили Фаргона водийидаги Мойлисой конидан илк бор нефт олина бошланди, орадан бир йил ўтиб, Чимён кони "кора олтин" беришга тушди.
1905 йили Тошкентда илк керосин фонарлар пайдо бўлди.
1906 йили Ўрта Осиёда биринчи бўлиб Скобелев (Фаргона)-Горчаково (Маргилон) йўналиши бўйлаб автобус катнови йўлга кўйилди.
1908 йили тадбиркор П. Пугасов Тошкентда Ўрта Осиёда биринчи гугурт заводини курди.
1910 йили Тошкентда Ўрта Осиёдаги биринчи сирк ва театр томошалари учун

мўлжалланган иншоот – "Колизей" театри курилди.
1912 йил 7 июлда Наманганга Кўкондан биринчи йўловчи поезди келди.
1916 йили Санкт-Петербургдаги Русия Бутунжахон почта иттифоки томонидан илк бор Амир Темур сурати туширилган почта маркаси чикарилди.
1918 йил 21 апрелда Тошкентда Ўрта Осиёда биринчи олий ўкув юрти – Туркистон халклари университети очилди.
1923 йили Мухиддин Кориёкубов ўзбек артистлари ичида биринчи бўлиб "Халк хофизи" унвонига сазовор бўлди.
1925 йили тошкентлик мухандис Ю. Ломоносов жахонда биринчи тепловоз лойихасини яратди ва унинг лойиха хамда чизмалари асосида Олмонияда "ЮЭ - 001" тепловози ишланди.
1926 йили биринчи бўлиб Хамза Хакимзода Ниёзийга "Ўзбекистон халк ёзувчиси", Мухаммадшариф Сўфизодага "Ўзбекистон халк шоири" унвони берилди.
1927 йил 11 февралда илк марта Ўзбекистон радиоси мунтазам эшиттириш бера бошлади.
1928 йили Тошкентда САГУ лаборанти Б. Гробовский ва алока ходими И. Белявскийлар жахонда биринчи телевизорни кашф этишди.
1935 йили Тошкент мевачилик ва богдорчилик стансияси директори профессор Р. Шредер Ўзбекистон олимлари орасида биринчи академик бўлди.
1936 йили Тошкент киностудиясида биринчи ўзбек овозли филми "Касам" суратга олинди.
1937 йили биринчи марта Ўзбекистонга олис Америкадан ангор эчкилари келтирилиб, парваришлана бошланди.
1942 йили Андижоннинг Ойим кишлогилик Кўчкор Турдиев ўзбеклардан биринчи бўлиб иккинчи жахон урушидаги мардлиги учун Иттифок Кахрамони бўлди.
1942 йили АКШда илк бор магнит тасмаси ихтиро килинди.
1943 йили Тошкент авиатсия заводида биринчи "Ли-2" самолёти ишлаб чикарилди (завод бош мухандиси Б. Лисунов номидан олинди).
Иккинчи жахон урушида ўзбеклардан биринчи генерал унвонига Берлинга биринчилар катори кирган 396-ўкчи дивизия командири Собир Рахимов сазовор бўлган.
1944 йили Тошкентда илк бор Ботаника боги ташкил этилди, унда жахоннинг турли минтакаларидан келтирилган 6500 хил дарахт, гул ва буталар парваришланмокда.
1945 йили мухандис Беруш шарикли ручка ихтиро килди.
1946 йили АКШнинг Пенсилвания университетида электрон компютер ихтиро килинди.
1947 йили Деннис Уейбер голографияга асос солди. Бунинг маъноси уч ўлчовли тасвир демакдир.
1947 йил 5 ноябрда Тошкентда "Вокзал - Эски жўва" йўналиши бўйича биринчи троллейбус катнай бошлади.
1948 йили Тошкентда Ўзбекистондаги биринчи чинни заводи курилди.
1948 йили Ўзбекистонда илк марта хижрий-камарий хисоб билан мусулмонлар таквими нашр этилди.
1950 йилдан Ўзбекистонда биринчи марта лимон ва апелсин етиштирила бошланди.
1950 йилдан бошлаб Америкада дастлабки рангли телевидение кўрсатувлари намойиш этилди.
1950 йили Австралияда учувчисиз бошкариладиган дастлабки самолёт лойихаси ишлаб чикилди.

1952 йили илк марта сотувда Тошкент маъданли суви пайдо бўлди.
1954 йили Тошкент самолётсозлари ясаган "Ил-14" самолёти биринчи марта синовда ўтди.
1955 йили Тошкентда Ўрта Осиёда ягона Ядро физикаси институти иш бошлади.
1956 йили Тошкент астрономия обсерваториясида Марснинг биринчи фотосуратлари тасвирга туширилди.
1967 йили Хиндистонда биринчи марта ўзбек маданияти фестивали ўтказилди.
1974 йили ёзувчи Комил Яшин ўзбек ёзувчиларидан биринчи бўлиб Мехнат Кахрамони бўлди.
1992 йил апрелида Ўзбекистон Республикасининг биринчи почта маркаси чикарилди, унда Мохларойим (Нодира) тасвири бор эди.
1993 йил мартида Тошкентдаги "Фотон" заводида биринчи ўзбек телевизорлари ишлаб чикарила бошланди.
1993 йил 31 августда Тошкентда улуг сохибкирон Амир Темурга биринчи бор хайкал ўрнатилди.
1994 йил 4 март куни Намангандa республикада биринчи кўчмас мулк кимошди савдоси ўтказилди.
1994 йил августида Тошкентда биринчи супермаркет иш бошлади.
1994 йил 1 сентябрда Олмония пойтахти Боннда Ўзбекистон Республикасининг Оврупадаги биринчи элчихонаси очилди.
1996 йил 19 майда Андижон вилоятининг Асака шахрида мамлакатдаги биринчи ўзбек автомобил заводи – ЎзДЭУ ўзбек – жанубий корея кўшма корхонаси очилди, у бошда йилига 200 минг дона "Тико", "Нексия", "Дамас" автомобиллари ишлаб чикарди.
2004 йили ростовлик ўн олти ёшли Владимир Лихачев олимлар неча йиллардан буён хал этолмаган кашфиётни – бутунлай янгича усулда ишлайдиган ички ёнув двигателини ихтиро килди.
Олимлар ёзишича, биринчи лотерея ўйини 1466 йил 24 февралда Фламандиянинг Брюгге шахрида ўтказилган.
Биринчи музлатгични уч олим – англиялик Жон Лесли, франсиялик Франсуа Карре ва олмониялик Фердинанд Виндхаузенлар деярли бир вактнинг ўзида, яъни Х1Х аср ўрталарида бир-бирларидан мутлако бехабар холда ихтиро килишган.
Биринчи гулкогозлар бундан 300 йил олдин Англияда пайдо бўлган.
Велосипед 170 ёшда, 1840 йили Шотландия фукароси Кирпатрик Мик Миллан биринчи бўлиб педалли велосипедни ихтиро килган эди.
Франсиянинг Лион шахридаги Техника тарихи музейида 18-асрда ишланган ва кунимизгача етиб келган буг моторли йўловчи-почта дилижони (извошнинг бир тури) сакланяпти.
Мотосикллар Х1Х аср охирларида пайдо бўлган, лекин улар бошда ёгочдан ясалган.
Биринчи сув ости кемаси 1720 йили Покровск кишлогида яшовчи оддий дехкон Ефим Никонов томонидан Петербургнинг Галерно саройида тайёрланган ва тўрт йилдан сўнг Пётр Биринчи назоратида синовдан ўтказилган.
Жиноятчилар катл килинадиган электр стулни хам телеграф ва телефон ихтирочиси Томас Алва Эдисон 115 йил олдин ўйлаб топган.
Иситма туширадиган "аспирин" дорисини бир асрдан зиёдрок олдин немис кимёгари Феликс Хоффман ишлаб чиккан, уни Русияда ёзувчи Антон Чехов оммалаштирган, хозир инсоният йилига 100 миллиард дона аспирин истеъмол килади.

Ер силкинишини аниклайдиган биринчи асбобни милодий 132 йили хитойлик фалакиётшунос Чжэн Хэн ясаган.
Дунёдаги биринчи темир йўлни 1764 йили кирол Людовик XVI буйруги билан Париж шахрида куришган, узунлиги атиги 100 метр бўлган.
Рўзгорда хар куни ишлатиладиган полиэтилен халтани бундан 100 йилча мукаддам шветсиялик Уилям Гамилтон ўйлаб топган, хозир дунёда йилига 5 миллиарддан ортик шундай халта сотилади.
Сайёрамиздаги энг кадимий хайвонот боги милоддан олдинги биринчи асрда Рим императори Август буйруги билан ташкил этилган ва унда турли мамлакатлардан келтирилган 3500 жонзот яшаган.
Фил ёрдамида ер хайдаладиган темир омоч илк марта 1870 йили Англияда ясалган ва кейинчалик Хиндистонга олиб кетилган.
АКШ президенти кароргохи Ок уй 218 ёшда: 1797-1801 йиллари АКШ президенти бўлиб ишлаган Жон Адамс 1800 йил 1 ноябрида иш жойини хозирги Ок уйга кўчирганди. 1792 йили  пойдевори тикланган бино бунгача саккиз йил битмай ётган эди.
Тиш даволашни илк марта Шимолий Амрикода яшовчи хиндулар йўлга кўйишган, тадкикотларга кўра, улар бундан 3000 йил олдин тишларини даволатишган экан.
Илк марта газета XVI аср бошларида Венетсияда пайдо бўлган: бу ердаги маддох-жарчилар янгиликларни ок когозга тошбосма усулида босиб сотишган. Дастлаб бу вараклар бир газетта (бир танга) бўлган, бу сўз оммалашиб мазкур нашрлар "газета" номини олган. Хозиргидай хакикий газетани Франсияда Т.Ренадо "Ла газетте" номи билан нашр этган.
Музкаймок тарихи 3000 йилга боради, кадимги Хитойда бойваччалар янги мевадан тайёрланган шарбатларни муз аралаштирию ичишган, Македонияли Искандар Форс ва Хиндистонни забт этганида махаллий ахолининг жазирама кунларда музлатилган сутни шимиб ўтиришганини кўрган.
Когоз истаконларни биринчи бўлиб Канзас шахрида (АКШ) яшовчи оддий гумашта (коммивояжер) Давид Кертин ўйлаб топган.
Келин-куёвнинг никох узуги такишлари кадимги Мисрда яшаган фиръавнлардан колган удум: ўшанда фиръавнлар тўртинчи бармокнинг юрак клапанлари билан богликлиги бор, деб хисоблашган ва ўша бармокка узук такишган.
Келиннинг тўйда ок либос кийиши Оврупадан кириб келган: бундай либосни биринчи марта 1558 йили киролича Мария Стюарт кирол Фарнсиско Иккинчига никохланганида кийган.
"Гўзаллар танлови" илк марта 1888 йили Белгияда уюштирилган, лекин у пайтда гўзаллар хаммага кўз-кўз килинмаган, уларнинг номи томошабинлардан сир тутилган, улар рисоладагидай кийинтирилиб, ёпик машиналарда олиб келинарди. Хозиргидай кизларни ярим ялангоч холда кўрикка олиб чикиш 1951 йил 15 апрелдан Англияда бошланган.
Хоккей ўйини илк бор 1879 йили Канадада дунёга келган, Монреал дорилфунуни талабалари ўша йили хоккей ўйинининг конун-коидаларини ишлаб чикишган. 1890 йили бу коидалар Чехия пойтахти Прагада нашр этилиб, оммалашиб кетган.
Хоккей шайбасининг айланаси 7,62 см., калинлиги 2,54 см., вазни 156-170 грамм, уни биринчи бўлиб Канададаги Макгил дорилфунуни талабаси Уилям Роберсон кашф этган.
Одамларга насабнома (фамилия) кўллаш кадимги Римда пайдо бўлган, Русияда эса 1861 йили крепостной хукук бархам топганидан кейингина фукаролар ўз исм-фамилияларига

эга бўлишди.
Биринчи иш ташлаш милоддан олдинги 309 йили Римда Аристос номидаги оркестр рахбарлари томонидан озик-овкат вактида берилмагани учун амалга оширилган.
Тамакини илк марта машхур денгизчи Магеллан сафдошлари Кубадан Оврупага олиб келишган, Англияда бошда тамакини искаш, чайнаш урф бўлган.
Америколик тарихчи Дэвид Энтони фикрига кўра, от устида юришни одамлар илк марта бундан 5500-5700 йиллар олдин Кора денгиз бўйининг шимолий чўлларида ўрганишган.
Биринчи марта кир совунни кадимги Миср подшохининг ошхонасида ишлайдиган хизматкори тасодифан "кашф" килган.

Ахмад Мухаммад Турсун